


ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА БЎЛИБ ЎТДИ



Қумқўрғон туман 4-сектор ҳудуди, Гултепа маҳалласида жойлашган 25-умумтаълим мактабида “Ёшлар фестивали” ташкил этилди.

Унда "Гултепа", "Меҳробод" ва "Жарқишлоқ" маҳаллаларидаги уюшмаган ёшлар жам бўлишди. "Миллий армиямиз ёшлар нигоҳида" шиори остида ўтказиладиган ватанпарварлик байрам дастурида ҳарбий қисм оркестр-ансамбли, фахрий қоровули, махсус гуруҳи ва қурол-аслаҳалари намоиши бўлиб

ўтди.

Шунингдек, "Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббус" доирасида тадбирлар ҳам ташкил этилади.

Тадбир давомида спортнинг кураш, волейболл, арқон тортиш, тош кўтариш, камон ҳамда ҳаво милтиғидан отиш ва армрестлинг (куч синаш) турлари бўйича мусобақалар ўтказилди.

Туман маданият бўлими санъаткорлари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар ҳам барчага кўтаринки кайфият бағишлади.